

ТОНГ ЙОЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

№ 32
(65824)
6 декабрь,
1994 йил
СЕШАНБА
Сотуда эркин
нархда.



Ўзбекистон Республикаси,
Самарқанд вилояти, Ургут ту-
манидаги Санчкул қишлоғи,
Носирова Рухсат энамга:

— Ассалому аоайкум катта эна!
Мен яқинда беш ёшга тўлдим. Сиз юборган “келинчак атлас”ни онам кўйлак—лозим қилиб тикиб берди-
лар. Уни кийиб тушиган суратимни Сизларга жўнатяпман. Ярашибди-
ми? Раҳмат сизга, катта энажон!

Мен ҳозир ўзбекча китоблар ўқияпман. Дадам ҳар куни бир соат вактини менга она тилимизни ўргатишга ажратганлар. Ўзбекчада тилим чиққани билан бу ерда доим инглиз тилида гаплашадилар, ўзбек тилини унугтиб қўймаслигим учун, уни янада кўпроқ ўрганишга ҳаракат қиляпман.

Онам бўлса рус ва грек тилларидан сабоқ беряпти. Ҳозир грек тилида ҳам бемалол гаплаша оламан. Русча билан инглизчани “шарилла-
тайдиган кўлбола сариётни таман”. Боғчага қатнаяпман. Аме-

СССР Давлат китоб пичасаси

рикада боғчани ўзбекистонимиздаги с-
ми гурухларига тағ-
лаштириши мумкин. Бу ерда яслида ҳам Самарқанддаги мактаб-
лардагига ўхшаб ўқитишиади. Ўқишиларим яхши. Мен ҳам онамдек, дадамдек аъло ўқиб, олим бўлмоқчиман. Катта энажон! Дадамни Ка-

лифорнияда одамлар жуда ҳурмат қилишади. Дадам жуда билимли

Жиянларим Хилола, Нодира, Ҳус-
ниндинлар катта бўлишиятими? Ҳусанжон, Юсуфжон, Юнусжон ама-
қиларимга салом айтинг, Умид ам-
мамни согиндик... Яна учу-тўрт ойдан кейин Ўзбекистонимизга бор-
арканмиз. Дадам айтди.

Катта эна! Биз боргунимизча Ҳус-
ниндин “Тонг юлдузи” газетаси таҳламларини тайёрлаб қўйсин. Уларни мен Калифорнияга қайтишида олиб кетаман. Чунки дадам болалигида мана шу газетани мунтазъям ўқиб боргани учун олим

Меҳнатта сотиб олдим...

Катта эна! Амаким дадамга ёз-
ган хатига ҳар хил япроқлардан қўшиб юборсин. Бултур кузда борганимда токларнинг, чинорларнинг, олчалар, раҳонларнинг барглари атласдай товланишини қўриб роса ҳайратлангандим. Бу йил яна куз келди. Лекин Ўзбекистонимизга бу гал баҳорда борарканмиз. Калифорнияда куз бўлмайди ҳисоб. Даҳатларнинг барглари ҳамон ям-яшил!

Тез орада ачомлашиб кўришгунча хайр! Катта отамга биздан дуо денг.

Салом билан сизларни согинган набирангиз,
Мадина ТУГИЗОВА.
АҚШ, Сан-Франциско.

САН-ФРАНСИСКОДАН САМАРҚАНДГА СОГИНЧЛИ САЛОМ

одам эмиш. Ҳар куни кетиб, институттуда америкалик талабаларга тиббиётдан инглиз тилида дарс беради. Кейин илмий-тадқиқот институтига бориб ген-инженерлиги бўйича тадқиқот олиб боришади. Улар кўпчилик: Америка, Япония ва франциялик олимлар ҳамкорликда иш олиб боришади. Ана шу олимлардан саккиз нафари дадамнинг аспирантлари. Уларни дадам олим қиласи. Зўрми? Зўр-а??

Онам тез-тез ўзимизнинг Ургут-
дагига ўхшатиб манти, чучваралар
нишириб беряпти. Мен сиз ўзингиз
тайёрлайдиган кўлбола сариётни
таман». Боғчага қатнаяпман. Аме-

бўлган экан. Мактабдаям, институтдаям, аспирантурдаям бирорта тўрт олмай, факат аъло ўқишига ана шу газета ҳам сабаб бўлган экан. Дадам улардаги шеърларни ўқиб, мактабда ўқиб юрган вактларида “Ленин учкуни” (ҳозирда “Тонг юлдузи”) га шеърлар юбориб туаркан. Лекин камчилиги бор деб, уларни чиқарашмаган экан...

Энди унда менинг шеърларим чиқади. Айтмоқчи, катта эна, мен шеърлар ҳам ўрганяпман. Эшигинга:

Фабриканинг йўлидан-о
Рўмолча топиб олдим.
Топиб олди демантлар,



ҚИШЛОГИМ ҲАҚИДА

Биз томонларда қишлоқлар кўп, яшил ўтга бурканган тоғлар бағрига айниқса, тоғлик жойларда. Кўлгина шаҳарларликлар эса қишлоқни oddий тушунишади. Негаки, улар қишлоқ ҳаётидан, ўзига хос ташвишларидан бехабарлар. Шунинг учун қишлоқ ҳақида ёзиш ҳам шаҳарларни қизиқарли бир оламга олиб кирса керак.

Лекин бундай гаплар кўп жойларда ёзилган, шундай бўлса-да, барни бир ёзилиб туриши керак. Бизнинг қишлоқ улкан тоғлар бағрида жойлашган. Шунинг учун қишлоқ табиати ўзгача бир чиройга, тароватга эга бўлади. Баҳор фаслида бу маскан ям-яшил тусга киради, ҳамма ёқда янгича ўйтониш паллалари рўй беради. Тоғдан эриб битатепан қор сув бўлиб катта-катта сойларга тушади, сойлар янада қишлоқни шовқинга тўлдириб тошади. Чўпонлар эса бутун қишлоқларда сақлаған қўйларни ҳар йилгидек баҳор кириб келиши билан кўй-кўзиларни ям-

яшил ўтга бурканган тоғлар бағрига ёйиб юборашади. Осмон тинниқлашади. Қўй-кўзиларнинг маъраши тоғларда акс-садо беради ва баҳор дамларидан ўзингта бир дунё завқ, ором оласан.

Одамларга хос ҳусусиятлардан бирни уларнинг хушчақчалиги, камтарлигидир. Боболар ва момоларни айтмайсизларми? Боболарнинг дуолардан қўллари тушмайди. Айниқса, уруш кўрган боболардан кўпчилиги ҳаёт. Улар ҳар доим бир-бираидан ширин, шўх невараларига зерикиб ўтирган пайтлари урушда бўлган энг даҳшатли ва қизиқарли воқеаларни гапириб беришади ва тинчлик, омонлик бўлсин, уруш бўлмасин дея яна қўлларини дуога очадилар, чунки бу боболар ҳаётнинг барча аччиқ-чукукларини тотганилар. Неваралари эса яна боболари ўз ҳаётларидан гапириб беришларини илтимос қилиб қоладилар.

Шоди ОТАМУРОДОВ,
Нафис санъат лицеини толиби.

“Тонг юлдузи”га обуна давом этмоқда

Обуна баҳоси:

1 йилга — 54 сўм.

6 ойга — 27 сўм.

3 ойга — 13 сўм 50 тийин.

Нашр кўрсаткичи: 64563.

Ф. СП-1



Ўзбекистон Алоқа вазирлиги «Матбуот уюномаси»
“ТОНГ ЎЛДУЗИ”
(нашр номи) 64563
(нашр кўрсаткичи)

Рўзномасига обуна

обуна сони

1995 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи)

(манилл)

Кимга

(насаби: исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

Рўзноманинг етказиши варагчаси

64563

(нашр кўрсаткичи)

П.В. жойи

обуна баҳоси

янги ман-
зилга
юбориш

баҳоси

сўм

обуна сони

1995 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12


Қаерга

(почта кўрсаткичи)

(манилл)

Кимга

(насаби: исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)



КУНИ-КЕЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИНИНГ ТАШАББУСИ БИЛАН АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ НАФІС САНЬАТ ЛИЦЕЙИДА РЕСПУБЛИКА ИЖОДКОР-ЎҚУВЧИЛАРНИНГ БИРИНЧИ МАРТА “ЎЗБЕКИСТОНИМНИ КҮЙЛАЙМАН” МУШОИРАСИ БЎЛИБ ЎТДИ



Унда таниқли болалар ёзувчи ва шоирлари иштирок этиши. Мушоира иштирокчиларини республика Халқ таълими вазири инг биринчи ўринбосари Й.САЙДЖОНОВ самимий кутлаб, келгуси ижодларида баланд парвозлар тилади. Республикаизнинг турли вилюятларидан келган ёш қаламкашлар навбатма-навбат ўз ижодларидан намуналар ўқидилар, тенгдошлари билан ижодий фикрлар алмашдилар.

Биз ҳам мушоира қатнашчиларининг айримлари билан сұхбатлашдик. Уларнинг ўй-фикрлари, дил сўзлари, мушоирадан олган таассурлари, қолаверса, ижодкор тенгдошларига тилак, истаклари билан қизиқдик.

Умидли қаламкашларнинг ижод намуналари билан сахифаларимизда танишишингиз мүмкин.



ЧИРОҚЧИДА ҚИШ БЎЛМАСМИШ

Чироқчи туманинда Чиял жамоа хужигида истиқомат қилаётган ота-оналарнинг қиши фасли яқинлашиши билан бир ташвишларига ўн ташвиш қўшилмоқда. Нега дейсизми? Сабаби, улар фарзандлари учун мавсумбоп оёқ кийими тополмай гаранг бўлишмоқда. Бу хўжалик ҳудудидаги аксарият савдо дўконларида болаларнинг қишики оёқ кийимлари йўқ, борлари ҳам ўта сифатсиз. Тажжубланарли томони шундаки, бозорлар оёқ кийимларга тўла, лекин

уларнинг нархи осмонда. Маош билан кун кўраётган кўп болали оиласларнинг аҳволилини кўз олдингизга келтиринг.

Арз-додимиз туман матлубот жамиятида амакижонлар, қулогига етса-ю ота-оналар ташвишини тўғри тушуниб, дўконларимизни оёқ кийимлари билан тўлдириб ташлашса...

Бегмат БОБОРАҲМАТОВ,
Чироқчи туманинда
Чиял жамоа хўжалиги.

ТАШВИШЛИ МАКТУБ



МУШОИРА ИШТИРОКЧИЛАРИ

Ирода ҲОЖИЕВА, Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Оғаҳий номидаги лицейнинг 11-“А” синф ўқувчиси:

— Тасаввуп — ҳолислик таълими. Тасаввуп — софлик, муомала маданияти. Тасаввуп... Бу бир йўл, бир неча сўқмоқлар орқали инсонни мақсад сари етаклади.

Тасаввуп ўзининг софлиги билан мени асир этган, митти юрагим билан тасаввупнинг сирли даргоҳлари қаърига кириб бо-

МИРЗО УЛУҒБЕК БИЛАН ХАЁЛИЙ СУҲБАТ

Чексиз ижод, осмоннинг тишлар олиб бориб, 1018 та сўнмас ҳилолисиз, Улуғбек юлдузнинг ҳолат ва ҳаракатибо! Сиз адолатли шоҳ ва буюк олим бўлиб шуҳрат қозондингиз. Ҳаётингизга на зар ташлар эканман, Сиздек буюк инсонни хоразмлик Шоҳ Малик тарбия қилгани учун ҳам ўзимнинг Хоразм фарзанди эканлигидан қалбимни чексиз фахр тўйгулари қамраб олади. Сиз ҳаётингиз давомида шундай хайрли ишлар қилдингизки, ҳатти-ҳаракатларидан ҳазрат Улуғбек бобо, сизбундай ишларни қилиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан кела-вермайди. Кишиларга илм-маърифат тарқатиш мақсади-да мадрасалар қурдирилгиз. Чунки ҳаёт сўқмоқлари олис ва довонлидир. Бу сўқмоқларни босиб — ўтишда илм-маърифат сўнмас хуршид вазифасини ўташини яхши билардингиз.

Ҳазрат Улуғбек, Сиз илми нужум сultonни, осмон илмининг шохисиз! Сиз фалакиёт илмини нурли чуққиларга олиб чиқдингиз. 1424 йилда барпо қилдирган расадхоннагизда кечак-ю кундуз кузасиб муносиб нишонланаётган авлодларингизга асрлар қаъридан табассум билан на зар солаётгандексиз назаримда, Улуғбек бобо!

(Давоми 3-бетда).

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

Обуна варақасини бехато тўлғазишига ҳаракат қилинг!
Агар обуна «Союзпечать» агентлигига расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлинмаларида расмийлаштирилганда эса календарь штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганилиги ҳақида квитанция берилади.

АЗИЗ ОБУНАЧИ ҮРТОҚЛАР!

Газета ва журнallарга обуна варақасини сиёҳли ручка-ларда, хатосиз, сўзларни қисқартирасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг. Обуначи ўз турар-жой адреси, исм ва фамилиясини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақасидаги «ПВ-МЕСТО» деган ёзувли катакларни алоқа бўлинмалари ва «Союзпечать» агентликлари тўлдиради.



Шодлик — чақалоқ күлгү- қаршилаган фариштали энаси сида, онанинг меҳрию мұхаббатида... Ва яна у тозадил боланинг унинг ўзи ҳам билиб- билмай узокларни күзлаётган нигоҳидамикин...

Ўз ишининг устаси Нұймонжон ака эрта-индин мактабга отланиб қоладиган Маъмуржоннинг юрак туғёнларини илғандаи сурагта олибди. Балки бүгун синглисі Хилолахон-ла ўйнаб юрган шу болакай күн келиб Н. Мұхаммаджоновдек ҳар ерда ҳозири нозир фотомух- бир бүлар, балки улкан санъаткор, билмадим. Аммо за- гиоталик шу йигитчанинг бахти бор, 85 баҳорни

Абдунаби АЛИҚУЛОВ.

Мушоира шиширокчилари Толмас ЖУМАНОВ, Самарқанд вилояти, Булунғур ту- мани 5-мактабнинг 8-синф ўқувчisi:



Ушбу мушоирада шиширок эта- етганилигидан беҳад баҳтиман, та- ассуротларим оламча. Мушоирада күплаб дүстлар орттиридим, тен- дошларимнинг ижод намуналари би- лан танишдим. Анжумандаги келгуси шиширокимда күплаб публицистик мақолалар ёзиб, мустақил ўзбекистонимизни күйлашдек, оппоқ орзуларим сари қўйилган яна дадил қадамим бўлди.

БАҲШИННИНГ ЮРТИ

Дунёи замин сарҳадсиз. Унинг поёнсиз бағрида Мар- жонбулоқ олтин конларини яширган Ғубдин ҳамда виқорли Зарафшон тоғлари оралиғида Зарафшон дарёсининг зар ундирувчи зилол сувларидан баҳраманд бўлган, бояғи роғларга бурканган бир ажиб гўша борки, уни Бедана қишлоғи деб атайдилар. Бу диёр таърифини ўз достонларида куйлаб, уни авлодлар ёдида абадий муҳрлаб қолдирган, ўзи шу маконда туғилиб ўсан халқ баҳшиси Фозил Йўлдош ўғли номи билан аталувчи давлат хўжалигида жойлашган. Мен ҳам мана шу сўлим гўша фарзандиман.

Дарвоқе, забардаст баҳши достонларидаги барчага таниш атамалар шу ердаги жойлар номидан бўлса, не ажаб?! Достонларидаги Оқтош шаҳри Оқтош қишлоғидан, Чамбил юрти Чамбилбел қишлоғидан, Асқар тепаликлари Асқар тоғидан, Далли ойим Далли деган жой номларидан олингандир.

Бедана қишлоғи Булунғур ариғи ёқасида жойлашган. Унинг тарихи мозийга бориб тақалади. Булунғур атамаси мўғилча "лойқа ариқ" деган маънени англатади. Айтишлари- ча, бобокалонларимиз Самарқанд остонасидаги Булунғур ариғи ёнида Чингизхон бошлиқ мўғил-татар босқинчиларини тўхтатишга мушаррафа бўлган эканлар. Жуда пастқамликдан оқадиган бу ариқ Зарафшоннинг бутана суви буриб юборилган. Натижада, душман бир кечакундуз Самарқандга ҳамла қиолмай қолган. Эндиликда туманимиз ана шу тарихий ариқ номи билан аталади.

Хўжалигимиз ўзининг ширин-шакар узумлари-ю сархил мевалари билан машхур. 2 минг гектар узумзор, 500 гектар мевазор, 500 гектар сабзавотзорларда ноз-неъмат етиштирилади.

Қишлоғимиз жуда сўлим. Унинг ҳар фаслда ўзгача жилоландиган бепоён бояғи роғларига, кенгликларига узоқ-узоқ термулгим келаверади.

Бугун кузнинг сўнгги кунларидан бири. Чор—атроф зъяфарон рангдан ҳам безиб бўлди. Шамол кучайиб, хазонларни шошибири ҳайдаяти. Ҳадемай ёмғир бу бечораларни лойга қоради. Эҳ кейин бу мунгли, видоли гўзаликнинг ахволи, эртаси не кечади. Азим шаҳарнинг кимсасиз хиёбонидан юриб борақканман, болалигимдаги бир воқеа эсимга туши, юрагим орзиқиб кетди. Беихтиёр согинчми, армонми тамогимга тикилиб, кўзларимда ёнган учкунда олис хотира балқиди. Оҳ у кунларнинг гулгун ранги, қайноқ тафти. Буни болалигидан айро тушганлар хис қиолмайдилар. Бола кўнглича дунёни кўрмаганлар асло тушунмайдилар. Шу боис яна сенга ёрилиши истадим ўш дўстим. Факат бу воқеалардан қандай хуласа чиқариш, ёргу ва асосли тўхтамга келиш ўзингга ҳавола. Бу масалада маслаҳат бергандан кўра, нимадир уқдиришга урингача у шаффо кунларни тасвирда кўпроқ муҳрлай олсанг қани... Ахир ҳайратнинг ҳам хотириаси бўлади!

Кишлоғимиз кичкинагина бўлсада, қўшини қишлоқлардан ортиқ бир жойи — кунчиқар томонида бир бояи бўлар, назаримизда жуда улкан туюлган бу боя боз болаларнинг дағари эди. Йилнинг истаган ойида тамошатлаб, хаёлпастр ўртоқлар бўш вақт топдик дегунча бокқа йигилардик. Богнинг гўзалигига ҳавас қўйса арзиди. Баҳорда бодга биринчи бўлиб ним алвон рангда ўриклар гуллар, уларни бошига гуллик, қизил дурра ўраган киз-жувонларга ўхшатардик. Кўп ўтмай сирчойи ва оқ гулли шафтоли ва олма дарахтлари ҳам кийғос очилиб, бу гўзалик хусни янада тўйис ва хаяжонли бўларди. Даирбоддан эслан шамол бу чиройни кўз-кўз қилиб, дарахтларнинг келинчакнинг бўйи-бастидай ингичка новдаларини қишлоқ томон эгилтирип, сузилтирип, гулларнинг муаттар хиди ҳовлиларимизни буркаб, оддий гўшамизни жаннатга айлантиради. Шамол эсиши билан томларга чиқиши ошиқардик. Томлarda қизгалдоклар ёнида "чўққилар"дан турив ҳам варрак учирмиз, ҳам бояни томоша қилимиз. Бу иккя карра завқ ва ҳайратимизни оширади.

Боғ қизил дуррасини сандикка ташлаб, яшил рўмолини тангиганда гўё қишлоқ олдидан дарё оқиб ўтаётгандаи бўларди. Унда Нишонбобога ҳамдам юриб, ҳам унинг кўзини чалгитиб, довуча ўйирлаган қунларимиз...

Ҳаш-паш дегунча, ёз бостириб келарди. Қўйни-қўнжимиз шираға тўларди. Юрагимизда қўшиғи, чўнгатимизда олмаси бўлган ёз.

Зар либоси кузда боянимиз унинг сохиби Нишонбобога ўхшаб қолар, фаромуш тебранар, шамол зўрайтганда шохлар гижирлаб, Нишонбобо инграётгандек дарахтларга раҳимиз келиб кетарди. Дарахтлар ялрогидан қанча кўп ажраган сари бу овоз инграшлар ҳам кучаяр, "хазонрезлик бошланди" сўзи ва унинг ўзи бор фожиаси билан қишлоқни эгаллаб оларди. Биз бу ҳолати ҳеч истамасдик, асло тушунмасдик. Кузни негадир қариялар хотиржамдай кутиб олар, кузакнинг руҳи уларга аёндек эди...

...Ўшанда ҳам куз охирлаб, дарахтлар гариблаша бораради. Кутимаганда қишлоқни турли мишиш, овозалар куршаб олди.

— Богни кесиб ташлашармиш.
— Нима? Ахир, уволига қолишмайдими?

— Айни ҳосилга кирганди-я.
— Табиатнинг қарғишига коламиз-ку!

— Дириекторни кўпроқ юқорининг бўйигини бажариш кизиқтираради.

Гаплар бекорга эмас экан. Кўп ўтмай тракторнинг беҳосият овози-ю, навқирон ёшдаги дарахтларнинг гумбирлаб кулашидан қишлоқ жигар гўшасидан ажралган онадек бўллади. Айниқса, бу йўқотиш Нишон бобо унун жуда оғир бўлди. Фарзандсизлик додига куйиб, бор меҳрини бокқа бериб овунган чол, гўё фарзандлар ўстириб, балогат ёшида улар ёвузлар кўлида жон берганни кўрган холатга тушди. Нишон бобо бу дардга чидай олмади. Дарахтдек қулади. Адашади. Балки у Нишонбобони йўқотиб, килган оғир гуноҳимиз эвазига ёлгиз қолиб, шундай ҳолга тушеб қолгандир. Дарахтларнинг ҳам қалби, юраги, ҳатто ақли ҳам бўлади. Буни англашга урининглар, ўшандай олма дарахтнинг ўзи айтар... Нега баҳор қолиб, кузда гуллаганини...

Ёш юракка
баҳорда эмас, тромонинг охира- гуллади. Ахир кузда мевалар пишиши керак-ку...

Саволимиз муаллимга оғир ботғанини нигоҳидан ўқиса бўларди. Табиатни жон-дилдан севган муаллимимиз маъюсигина жавоб кайтарди.

— Олма табиатдан адашган, дарахтлар, бояғар ҳам худди инсондек асралмаса, қаралмаса ўйуни йўқотиб, ишини тартибсиз қиладиган кишидек ҳолатга тушеб қолади. Адашади. Балки у Нишонбобони йўқотиб, килган оғир гуноҳимиз эвазига ёлгиз қолиб, шундай ҳолга тушеб қолгандир. Дарахтларнинг ҳам қалби, юраги, ҳатто ақли ҳам бўлади. Буни англашга урининглар, ўшандай олма дарахтнинг ўзи айтар... Нега баҳор қолиб, кузда гуллаганини...

Муаллимимизнинг хўрлиги келиб, овози тобора томогига тикилиб борар, синфда биз бўлмаганда хўнграб йиглаган бўларди! Негаки, олманинг буғунги очилиб туриши-ю, эрта қандай аҳволга тушиши уни тимисиз эзар, руҳига қаттиқ азоб берарди.

...Уша дарахт гуллашини мактабни битиргунча ўқиниб, ҳайратланиб кузатдим. Ҳар йили у энди гўра тўтиб ултурмай қор ёғиб, аёллар кўксини вайрон этиб ташларди-да, қадди букилиб қоларди. Лекин янаги йил шу паллада яна... гуллаб қаҳратонга кўксини очиб бераверарди. Ҳар йили унинг холатини кўриб бир боладек йиглаб, ўзимни йўқотиб кўядим.

— Эҳ, менинг тентак олмачам, нега ахир кечикиб гуллаяпсан, олдинроқ ҳаракат қилишнинг ҳеч иложи йўқми?

У жим эди, бироқ тилсиз гапи- рарди: "Ҳеч иложи йўқ дўстим, мен баҳоримни излаяпман, бевақт ҳазон бўлган дўстларим баҳорини, кўнжлари туршакларга тўлган болалик кувончларини. Гулламай уларни топиш мумкини? Нега ахир зангори кўшигимни ўғирлаштганда қишлоғингнинг катталари индашомади. Шу боис адашган саҳром кўз, ўтмишдаги Ватаним—баҳор, топган баҳтим-кузак, йўқоттан орзум-баҳор. Менинг гулларим навқирон холатда жон беришади. Атрофимдаги нигоҳлар эса ҳаммаси лоқайд, омон кўдлармасми?! Ҳеч бўлмаса қаҳратонда музлаб ҳалок бўлиш олдидан одамлар хотирасига баҳорни соламан. Барibir қицдан кейин чинакам баҳор келади-ку!

Саргайған кенгликлар оша адашиб юрган йўлчи мени кўриб кўнглида янги орзулари очилади. Уларнинг рангти ҳам худди менинг оппоқ гулларимдай эмасми? Шундай... Мен баҳоримдан адашганман, лекин уни излаяпман".

Табиат, адашган олма дарахти. Менга, сенга бу ҳам битта сабоқ. Дарсдан ташқари сабоқ. Менинча кўзингтаги адолига гуллаган олма дарахтнинг собори узун, Богон чол Нишонбобонинг бодга ўстириган нопормон тилаклари аబади. Мактабдаги лаҳзалар эса ўткинчи, сон ҳам ҳадемай... Лекин ниманидир эслаб қол, доим табиат билан бўл дегим келади. Балки шунда мен каби куйидаги каломни тез-тез қайтариб, таскин топармидинг.

"Мен сенинг курдатингта жуда ҳам ишонаман, ишончсиз олма дарахти. Мен сенга ҳавас қиламан, баҳоридан адашганман, лекин уни излаяпман"...

Вафо ФАЙЗУЛЛО.

БАҲОРИДАН АДАШГАН ОЛМА

(Охри 4-бетда).

**Хуршида ҲАМДАМОВА, Фарғона вилояти,
Бешариқ туманидаги 39-мактаб ўқувчisi:**

— Ҳар бир ёш ижодкорнинг ўз севган мавзуси бўлади ва ана шу мавзуда тўлқинланаб ижод қиласди. Кимдир фусункор она табиш шайдоси бўлса, кимдир дўстликни, соф муҳаббатни таранинум этишга интилади. Мен учун эса энг севимли мавзу-она Ватан ҳақида шеърлар битишидир. Зоро, ватанини севамак иймонданур, дейилади ҳадисда.

АНДИЖОНИМ

Бир умрга армон бўлди ўз Ватаним
Ўзга юртда сарсон бўлди танда жоним.
Нима қиласи ўз юртимга қайтолмадим
Гуноҳимдан кечармикан Андижоним.
Андижонга тўкилганда киндиқ қоним,
Юртим қолиб ўзга юртда қолди таним
Хиндишонни юртим дедим, элим дедим,
Гуноҳимдан кечармикан Андижоним.
Булутлардан холи эмас дил осмоним
Ушалмади юртим деган бир армоним.
Она юртим руҳсорига тўёлмадим
Гуноҳимдан кечармикан Андижоним.
Ҳеч ким мендек ўз юртидан айрулмасин
Юртим дея қанотлари қайрулмасин,
Дийдорини бир кўрмоққа зор бўлмасин,
Гуноҳимдан ўтармикан Андижоним!

**Нафиса ТУРСУНОВА, Тошкент вилояти,
Қибрай туманидаги 11-мактабнинг 10-синф
ӯқувчisi:**

— Бу дунёни армонли дунё, дейдилар. Кимнингdir орзу умидлари ижобат бўлади, кимникидир ўйқ. Менимча, орзуга этиши ҳар бир инсонинг ўзига, ҳаракат ва интилишига ҳам боғлиқдир.

Келажакда Ойдин опа Ҳожиевадек шоира бўлиш орзум армон бўлиб қолмасин, дейман.

ИСТИКЛОЛ МУБОРАК

Жаҳонда буюк бир тарихга эга,
Сени куйлаб тўймайман нега?
Қадимий Туроним, эй Туркистоним,
Кутлуг бўлсин эркинг, Ўзбекистоним!
Писанд ҳам қилмадинг, ёмғир, дўлларни,
Етмиш йил кечдингку оғир йўлларни,
Мехнат учун яралган, эй гулистоним,
Энди эркинг муборак, Ўзбекистоним!
Алишердек улуғ фарзандларинг бор,
Усмон Носир каби дилбандларинг бор,
Бунча ҳам бахтисан шавкатим, шоним,
Эркинг кутлуг бўлсин, Ўзбекистоним!
Ягона қувончим шеърим, ғазалим,
Қозогим, ўзбегим, турким, азалим,
Миллатлар тилида кўйсан, достоним,
Эркинг кутлуг бўлсин, Ўзбекистоним!
Довруғи элларга таралган ўлкам,
Ягона диёрсан, богу бўстоним,
Эркинг кутлуг бўлсин, Ўзбекистоним!

ИЛҲОМ ЖЎШГАНДА...

Ҳазил.
Беллашувга йигилдик бунда,
Жўки, Мўтти ҳаммаси шунда.
Ҳаъкам акам бор экан, ия —
/Шеъримга ҳам топдим қофия/.
Ёзганларим баъзан тумтароқ,

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Музаффар ПИРМАТОВ

Таҳрир хайъати:

Сафар БАРНОЕВ, Феруза ЖАЛИЛОВА,
Сойибжон ИСМОИЛОВ, Дилядора
ТУРАХМЕТОВА, Сабоҳат ШУКУРОВА.

Унда-бунда бузилар турок
Бўғинларин санайман бир-бир,
/Шеър битса бас, менга барибир/.

Ритми ҳам роса боллайман,
Ухламасдан сўзлар қоплайман.
Вазни баъзан оғир бўлади,
/Бу шеъримдан кўнглим тўлмади/.

Кўп сўзладим, кетмасин вақтим,
Ҳаъкамларга этаман тақдим.
Одил ҳукм чиқсан деймандা,
Бир қасида биттум ўшанда.

Камола ЭШБОЕВА, Навоий вилоят, Навбаҳор туманидаги 5-мактаб ўқувчisi:

— Шеърият — кўнгил жулки.
Инсон қалбига сиғмай жўшиб бораётган қувончу шодликлар,
туғён ураётган дарду аламлар шеър бўлиб туғилади, азиз фардандек ардоқли бўлиб қолади. Шоирликни — қисмат дейдилар. Лекин бу тотли қисмат ҳар кимга ҳам насиб этавермайди.

Келажакда шоирлик қисматига ошно бўлиб, кўплаб шеърлар битсан бейман...

НЕТАЙИН

Шошаяпсан қайларга дарё
Соҳилингда турибман ҳайрон.
Менинг қалбим бир бокий дунё
Тушунмади мени у инсон.

Хаёлимда сўнгсиз саволлар,
Жавоб тополмасам нетайин?
Сенинг шошқин сувларинг аро,
Мен ҳам майли оқиб кетайин.

АЙРИЛИК

Гўдакнинг инграшин эшилсан ҳар дам,
Қапбимни титрок, алам ўрайди.
Камалак нуридай маъсум бир гўдак
Гўё онасидан алла сўрайди.

Алла тингламайин ўсар бир умр,
Мурғак гўдак гуноҳи недур?
Тошбагир онага не керак ахир,
Шунчалар ҳам совуқ бўлурми меҳр?!

**Умиди БОҚИЕВА, Сурхондарё вилояти,
Сарисиё туманидаги 32-мактабнинг 8-синф
ӯқувчisi:**

— Инсон дунёда орзусиз яшайди. Ҳар кимнинг ўз орзу умидлари бўлади. Менинг ҳам дилимнинг тубида яширинган умидларим бор. Ўрта мактабни аъло баҳоларга якунлаб, келгусида журналистик касбини ардоқлаштиришади. Бунинг учун ҳозирданоқ ҳаракат қилиялман.

Ижодкор тенгдошларимга тилаги — эзгу-ниятлари ҳамроҳлари бўлсин!

КИТОБ ЎҚИМАЙДИГАН БОЛАГА

Нечун хомуш, нечун жимлик,
Нечун бунча хафасан?
Нечун дўстим, бу мактабдан,
Кўнглинг қолди, даъфатан?
Каршиңгладир ажиб дунё,
Ийллар, ойлар, шитоблар.

Таъсис этувчилар:
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАҶКАЗИЙ
ҚУМИТАСИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲАЛҚ
ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
Газета 1929 йил, 1 августан "Ленин учкуни"
номи билан чиқа бошлигани

Газета ҳафтанинг сесашиба куни чиқади

Ўқимасанг ўксисб қолгай,
Қизиқ-қизиқ китоблар.
Илм олсак кўнглимизда,
Осмонлар яралажак.
Билсанг агар, китобданур,
Бахту иқбол, келажак.

**Зариф ҚУВОННОВ, Навоий вилоят, Хатирчи туманидаги 9-ўрта мактабнинг 9-синф
ӯқувчisi:**

— Келажакда мусаввир бўйлоқчиман. Беҳзоддек, Музыҳибдек Турон элининг шонини кўйларга кўтариш истакларимдан бири. Яна шеърлар машқ қиламан, бадиши китоблар ўқиши — жону дилим.

Ўзбекистонимнинг ҳур бўлишига оз бўлсада улуш қўшолсан, ўзимни баҳтиёр инсон деб биламан.

СИЗ БИЛАН ҲАЁТ...

Азизим онажон,
кўзимнинг нури,
Мени ўстирдингиз асраб,
авайлаб.

Ҳаётим боғини
нурга тўлдириб,
Ҳаётдан абадий
кетдингиз йирок.

Жисмингиз оламда
кўрмасамда мен,
Юрагим, ҳаётим,
борлигим сизда.

Сиз билан вужудим,
Сиз билан баҳтим,
Сиз билан яшайман,
Сиз менга ҳаёт...

София ҲАМИДОВА, Бухоро вилоят, Шофирикон тумани, Шота Руставели номидаги мактаб ўқувчisi:

— Шеъриятни, адабиётни севаман. Дилижда туғён ураётган ҳис-тийуғуларимни "Қишлоқ қизиман" номли жаражжи шеърий тўпламимда ифодалашга ҳаракат қилганман.

БОЛАЛИГИМГА

Болалигим, қайда қолдинг болалигим,
Ғам-андуҳу, ҳижронлардан узоқлигим.
Энди сени қайдан излай, кувноқлигим,
излаганда қўлим етмас йироқлигим.
Кенг тош йўлда кўзларини жовдиратиб,
Қараб турар болалигим мунгли боқиб.
Мен-чи, кетиб бормоқдаман қанот қоқиб,
Оҳ, яшамоқ мушкул бўлар сендан кечиб.
Қани энди учратсайдим сеҳргарни,
Ёлворардим чўкка тушиб оёғига.
улгайиши истамайман, қайтар мени,
Болалигим тезроқ олсин қучогига.

Маълумот учун телефон: 33-44-25

Бизнинг манзилгоҳ:
700083. ТОШКЕНТ ШАҲРИ,
МАТБУОТЧИЛAR КЎЧАСИ, 32-й.

Нашр кўрсаткини: 64563

"ШАРҚ" нашриёт-матбая концерни босмахонаси.

Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-й.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137. Буюртма № Г—1002. 14834 нусхада босилди. Ҳажми — 1 босма табоқ. Офсет усулнда босилган. Қоғоз бичими А—3.

Босишга топшириш вақти 19.00. Босишга топширилди 19.00.

1 2 3 4 5 6

